

Юридик шахс корпоратив пластик картасига хизмат кўрсатиш ҳақида ШАРТНОМА

20__ йил “__” _____

№ _____

Тошкент шаҳри

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг Амалиёт бошқармаси (кейинги ўринларда – Банк) бошқарувчиси Б.З. Акрамов Низом ва Ишоннома асосида фаолият юритиб, бир томондан, ва юридик шахс _____ (кейинги ўринларда – Мижоз) раҳбари _____ Устав (Низом) асосида фаолият юритиб, иккинчи томондан, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздик.

1-§. Шартнома предмети

1. Мазкур Шартнома корпоратив пластик карта ёрдамида бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва сотиб олинган товарлар юзасидан ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида Банк томонидан хизмат кўрсатишда Банк ва Мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади.

2. Мижоз, талабномада кўрсатилган ва корпоратив пластик картадан фойдаланувчи деб номланадиган, ўз ходимига корпоратив пластик картадан бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва сотиб олинган товар ҳақини тўлашда тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ваколатини беради.

2-§. Умумий қоидалар

3. Мазкур Шартнома корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағи, корпоратив пластик карта ва ундан фойдаланувчига нисбатан қўлланилади ҳамда Банк ва Мижоз мажбуриятларини белгилайди.

4. Корпоратив пластик картани олиш учун Мижоз Банкда миллий валютада талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига эга бўлиши керак.

5. Банк Мижоз томонидан тақдим қилинган талабномага асосан корпоратив пластик картани фақат ундан фойдаланувчи ходим номига муомалага чиқариб, уни ПИН-код ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидалари билан бирга Мижознинг ходимига тақдим қилади.

6. Корпоратив пластик картадан фақат нақдсиз ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш мумкин.

7. Корпоратив пластик картадан иш ҳақи ва ижтимоий характердаги бошқа тўловларни, шунингдек нақд пулни тўлаш мақсадида фойдаланиш ман этилади.

8. Корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағидаги маблағга фоиз ҳисобланмайди.

9. Корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағи корпоратив пластик картадан фойдаланувчи Мижоз ходимининг номига бепул очилади.

10. Банк корпоратив пластик картани муомалага чиқаргани (эмиссияси) учун Мижоздан Банк тарифига асосан ҳақ ундиради.

11. Корпоратив пластик карта муомалага чиқарилишида Мижоз ушбу картадан фойдаланувчи ходимининг корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағига зарур миқдорда маблағ ўтказади.

12. Корпоратив пластик картанинг ёпилиши Мижознинг ёзма аризаси асосида амалга оширилади.

13. Банкнинг тўловни қайтариш бўйича талаблари Мижоздан харажат тўланганлиги ҳақида тасдиқнома олингандан сўнг кўриб чиқилади.

14. Банк, Мижоз томонидан корпоратив пластик карта йўқотилганлиги ҳақида ёзма ариза тақдим этилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) банк иш куни ичида, Банк тарифида белгиланган миқдорда жарима тўлангандан сўнг, йўқотилган корпоратив пластик карта ўрнига бошқасини беради.

15. Корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағига хизмат кўрсатиш дебетли

схемаси бўйича амалга оширилади.

16. Мазкур Шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар миллий валютада юритилади.

17. Корпоратив пластик карта, амал қилиш муддати давомида Банкнинг мулки ҳисобланади, у амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки алмаштирилганда ёхуд Банкнинг расмий талаби бўйича Банкка қайтарилиши лозим.

3-§. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

18. Банк куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Мижоз ёки унинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими томонидан ушбу Шартнома шартлари ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидалари бузилганда корпоратив пластик картанинг амал қилишини тўхтатиш;

б) Мижоздан барча қарзларни Банкка тўлашни талаб этиш;

в) Мижоз ёки унинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими томонидан ушбу Шартнома шартлари ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида Банк қилган барча харажатларни сўзсиз ундириш;

г) бир томонлама Банк тарифлари ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш.

19. Банк куйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Мижознинг корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағини корпоратив пластик карта бўйича амалга оширилган барча транзакциялар суммасига дебетлаш;

б) Мижознинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағини, тўлов топширикномасини тақдим этилган тақдирда, нақд пулсиз ўтказмалар шаклидаги барча пул тушумлари суммасига кредитлаш;

в) Мижозга унинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходимини корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағи бўйича белгиланган тартибда кўчирма бериш;

г) Мижозни амалдаги Банк тарифлари билан таништириш;

д) Мижоздан корпоратив пластик картанинг йўқотилганлиги тўғрисида ариза олингандан сўнг 48 соат ичида ушбу пластик карта бўйича операциялар амалга оширилишини тўхтатиш;

е) Банк тарифлари, шунингдек корпоратив пластик карта бўйича хизматларни тақдим этиш қоидалари ўзгарганда, Мижозга, ушбу ўзгаришлар кучга киритилишидан, камида 5 (беш) иш куни олдин хабар бериш;

ё) мазкур Шартнома бекор қилинганда Мижозга корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағида қолган маблағни, унинг ёзма аризасига мувофиқ, қайтариш.

20. Мижоз куйидаги ҳуқуқларга эга:

а) корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағини нақд пулсиз ўтказиш йўли билан тўлдириш;

б) Банкдан корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағи бўйича кўчирма сўраш;

в) ПИН-кодни, белгиланган тартибда, алмаштириш.

21. Мижоз ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ушбу Шартнома талаблари ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидаларини бажариш, шунингдек уларнинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими томонидан бажарилишини таъминлаш;

б) у ёки унинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими томонидан ушбу Шартнома шартлари ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидалари бузилиши билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш;

в) корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходимини корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидалари билан таништириш;

г) Банк томонидан Мижоз учун муомалага чиқарилган корпоратив пластик карталар ва Пин-кодларнинг хавфсиз етказилиши ва улардан фойдаланувчи ходимларига шахсан топширилишини таъминлаш;

д) Банкка унинг талаби бўйича корпоратив пластик картадан фойдаланувчи

ходимлари ҳақида қўшимча маълумотлар тақдим қилиш;

е) корпоратив пластик картадан у бириктирилган ходим томонидан, корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағидаги маблағ қолдиғи доирасида, унда кўрсатилган муддат давомида фойдаланилишини таъминлаш;

ё) корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходимнинг яшаш жойи ёки паспорт маълумотлари ўзгарганда зудлик билан Банкка хабар бериш;

ж) корпоратив пластик карта йўқотилганлиги тўғрисида оғзаки хабар берилгандан сўнг, 24 соат ичида унинг йўқотилганлигини ёзма равишда ҳам тасдиқлаш. Йўқотилган корпоратив пластик карта топилган тақдирда, уни ишлатмасдан дарҳол Банкка қайтариш;

з) корпоратив пластик картага эҳтиёж қолмаганда ёки корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими ишдан бўшатиладиганда, ушбу картани Банкка топшириш ва унинг махсус ҳисобварағини ёпиш;

и) корпоратив пластик карта орқали ўтказиладиган суммадан Банк тарифларига мувофиқ 0.5 % миқдорида воситачилик ҳақи тўлаш.

4-§. Томонларнинг жавобгарлиги

22. Мазкур Шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

23. Банк қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланмайди:

а) форс-мажор туфайли Банкнинг назоратида бўлмаган ҳолатда ўз мажбуриятларини бажариш имконияти бўлмаганида;

б) Мижоз корпоратив пластик карта йўқотилганлиги ёки унинг ПИН-коди учинчи шахсга маълум эканлигига гумон қилаётганлиги тўғрисида Банкка ёзма равишда хабар бергандан сўнг, ушбу карта 48 соат давомида учинчи шахс томонидан ишлатилган тақдирда, Мижоз кўрадиган ҳар қандай молиявий зарар учун.

24. Мижоз корпоратив пластик карта йўқотилганлиги тўғрисида Банкка ёзма равишда хабар берганидан 48 соат ўтгандан сўнг, учинчи шахс томонидан ушбу карта орқали амалга оширилган барча операциялар учун жавобгарликни Банк ўз зиммасига олади.

25. Мижоз қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

а) у ёки унинг корпоратив пластик картадан фойдаланувчи ходими томонидан ушбу Шартнома шартлари ва корпоратив пластик картадан фойдаланиш қоидалари бузилганда;

б) ПИН-код ҳақида маълумотдан бошқа шахс рухсатсиз фойдалангани ҳамда Банкка ёзма равишда ПИН-коднинг очилиши ҳақида хабар берилишигача бўлган барча транзакциялар учун;

в) у Банкка корпоратив пластик картани ёпиш бўйича ариза билан мурожаат қилганда, ушбу карта Банкка қайтарилгунга қадар ва мазкур карта орқали амалга оширилган барча транзакциялар келиб тушмагунга қадар;

г) ушбу Шартнома бекор қилиниб, корпоратив пластик карта ўз вақтида Банкка топширилмаган тақдирда, мазкур Шартноманинг бекор қилинишигача ва ундан кейинги барча транзакциялар учун;

д) корпоратив пластик карта махсус ҳисобварағи бўйича операцияларнинг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосида, ўз вақтида ва тўғри ўтказилиши учун.

26. Томонларнинг бири ушбу Шартноманинг шартларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилмаса, иккинчи томон бунинг учун жавобгар бўлмайди.

5-§. Шартноманинг амал қилиш муддати

27. Мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати, томонлардан бири уни бекор қилиш ҳақида ўз хоҳишини ёзма тарзда маълум қилмагунга қадар, чекланмаган ҳисобланади.

28. Мазкур Шартнома уни томонлар имзолаган пайдан бошлаб кучга киради.

6-§. Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш

29. Ушбу Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга оид битим уни ҳар икки томон имзолангандан сўнг кучга киради.

7-§. Низоларни ҳал қилиш

30. Барча келишмовчилик ва низоларни томонлар музокара йўли билан ҳал этади. Музакара натижасида томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган тақдирда, низо Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

8-§. Шартномани бекор қилиш

31. Ушбу Шартнома томонлардан бирининг ташаббуси бўйича, Мижоз Банк у учун муомалага чиқарган барча корпоратив пластик карталарни қайтаргандан сўнг, бекор қилинади. Мазкур Шартнома бекор қилган тақдирда Мижоз учун муомалага чиқарилган барча корпоратив пластик карталар ўз кучини йўқотади.

32. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугаса, томонлар ўз мажбуриятларини бажаргандан кейингина, у ўз кучини йўқотади.

33. Ушбу Шартнома имзоланган санадан бошлаб томонлар ўртасида корпоратив пластик карталарга хизмат кўрсатишга оид олдин имзолаган барча шартнома ва битимлар ўз кучини йўқотади.

9-§. Яқуний қоидалар

34. Мазкур Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди, унинг бир нусхаси Банкда, иккинчи нусхаси Мижозда сақланади.

35. Ушбу Шартномага мувофиқ тарзда ёки унга боғлиқ ҳолда юборилган барча хат ва хабарномалар ёзма тарзда расмийлаштирилган бўлиши шарт ва улар томонларнинг қуйида кўрсатилган манзиллари бўйича буюртма хат орқали юборилган ёки шахсан етказилган ҳамда уларни олганлик тўғрисида тасдиқнома мавжуд бўлса, улар белгиланган тартибда тақдим этилган ҳисобланади.

10-§. Томонларнинг почта манзили ва реквизитлари

Банк: “Трастбанк” ХАБ Амалиёт бошқармаси
Манзили: Тошкент ш, Шай.т, Навоий – 7уй.
Тел.: 239-36-47, 244-65-05. Факс: 239-36-27
Банк коди: 00491.
Банк ҳисобварағи: 23102 _____
СТИР: 201055090.
Бошқарувчи: _____
Мухр

Мижоз: _____
Манзили: _____
Тел.: _____ Факс: _____
Банк _____
Сўм ҳисобварағи _____
Банк коди: _____
СТИР: _____
Раҳбар: _____
Мухр ўрни